

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

## **АЛИШЕР НАВОЙ ВА НОСУРИДДИН РАБГУЗИЙ АСАРЛАРИДА ИҚТИБОС САНЬАТИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Dilfuza Sagdullayeva Karimullayevna

International Islamic Academy Of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (Phd) of  
the Department “Al-Azhar” of Arabic language and literature”

d.sagdullaeva@iiau.uz 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

Tel: (91) 1349467 mobile

**Abstract:** This article deals with the analysis of samples of citations from viewpoint of the art “iqtibas” given in ayats of the Quran in the fictions of Alisher Navoi and Nasuriddin Rabguzi.

**Аннотация:** Мазкур мақолада Алишер Навоий ва Носуриддин Рабғузий асарларида келтирилган Қуръон оятлари иқтибос санъати нуқтаи назаридан таҳлил қилингандан.

**Key words:** The Quran ayats, science of “balagat”, borrowing, citation.

**Калит сўзлар:** Қуръон оятлари, балогат илми, ўзлашма, иқтибос.

Маълумки, Қуръон карим барча ўрта аср мусулмон халқларининг адабиётига катта таъсир қўрсатган [6, 120-127]. Ўзбек адабиёти асрлар давомида Қуръонни турлича ўзлаштирган. Қуръон матни замон ва макон узра маҳаллий тарихий муҳит билан ўзаро таъсирда бўлиб, ҳар бир халқ ўз тараққиётининг муайян даврида қуръоний мавзуларни ўз ҳаётини тушуниш учун адабий асарларга киритган. Мазкур жараён натижасида миллий адабиётнинг Қуръон матни билан синтези асосида бадиий ва диний-дидактик асарлар яратилган [7, 3-15].

Туркий халқларнинг “шамсу-л-миллат”и бўлган Низомиддин Мир Алишер Навоий жаҳон адабиёти хазинасини ўзининг ҳассос шеърияти, буюк “Хамса”си, фан соҳаларининг турли тармоқларига бағишлиланган бой илмий мероси билан бойитган сўз санъаткоридир. Ўз ижодий меросида 26 мингдан ортиқ лугат бойлигидан фойдаланган бу буюк даҳо мана беш асрдан ошибдики, асарларидаги чукур фалсафий мушоҳадакорлик, маъномоҳиятнинг кенг кўламлиги ва назмий меросидаги фасоҳат денгизининг бепоёнлиги билан жаҳон ахлини ҳайратга солиб келади.

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

Дунёда Алишер Навоий каби асарлари кенг тарқалган, жаҳоннинг деярли ҳар бир чеккасида китобларининг нусхалари сақланаётган бошқа бир ижодкорни топиш қийин. Ҳазрат Навоий ҳаётининг сўнгти йилларидаёқ унинг асарлари тилига луғат ишланганлиги биз ҳозир навоийшунослик деб атаётган соҳанинг анча қадимий эканлигини кўрсатади [8]. Алишер Навоийнинг олим сифатидаги фаолияти унинг нафақат тилшунослик балки, адабиётшунослик ва тарихшуносликка доир асарлари билан ҳам белгиланади. Аллома ушбу фан тараққиётига ўзининг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ҳамда “Тарихи мулуки ажам” асарлари билан улкан ҳисса қўшди. Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” рисоласи ислом дини манбаларига асосланган асар бўлиб, пайғамбарлар – расул ва набийлар ҳамда ҳаким зотлар – алломалар тарихига бағишлиланган. Шу маънода асарни шартли равиша икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Анбиё – пайғамбарлар тарихи.
2. Ҳукамо – ҳаким зотлар тарихи.

Биринчи қисмда келтирилган Пайғамбарлар қиссаси ҳажман ўзаро фарқланади. Асарда баъзи пайғамбар ва авлиёлар, масалан, Хизр (а.с.) ҳақида қисқа маълумот билан чекланилса, Юсуф (а.с.), Иброҳим (а.с.), Мусо (а.с.) ва Исо (а.с.)ларнинг ҳаётига доир кўп воқеалар баён қилинади. Алишер Навоий Юсуф (а.с.) ҳақидаги қиссани баён қилишга киришаркан, Фирдавсий Тусий ва Абдураҳмон Жомий ҳам мазкур мавзуда достон ёзганларини айтиб, ўзининг ҳам туркий тилда маснавий ёзиш нияти борлигини билдириб ўтади. Асарда ҳар бир пайғамбар қиссасидан сўнг муайян шеърий парчалар келтирилади. Шоир уларни “маснавий”, “рубоий”, “байт”, баъзан эса “шеър” ёки “назм” номлари остида бериб боради. Мазкур шеърий парчаларда қиссаси ҳикоя қилинган пайғамбар номи тилга олинади ва фалсафий хулосалар чиқарилади. Биз мазкур асардаги пайғамбарлар билан боғлиқ анъанавий воқеаларни 1310 йилда Хоразм ҳудудида илк бор туркий тилда яратилиб, ислом динини қабул қилган мўғул begi Тўқбуғага Носуриддин Бурҳониддин ўғли Рабғузий томонидан тақдим этилган асар - “Қисаси Рабғузий” каби асарларда ҳам учратамиз. Ҳар икки асарда келтирилган маълумотларнинг бош манбаси Куръони карим бўлиб, муаллифлар ўз фикрларини асослаш учун муайян оятларни ҳавола қилиб боради. Маълумки, мумтоз шарқ адабиётида асарда Куръон оятларидан фойдаланиш – иқтиbos санъати ҳисобланади [5, 142].

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

Иқтиbos санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг муҳим омили – Куръони карим ва пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси шарифларини жамият маънавиятиниинг ажралмас қисмига айлангани, одамларнинг онгиға сингдирилгани ва кундалик ҳаётнинг ҳамма соҳаларида дастуруламал каби қўлланилганидадир [2]. Ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий соҳада Куръон ва ҳадисга мурожаат этиш ва ундан унумли тарзда фойдаланиш, шунингдек, сўзни Куръон оятлари ва ҳадислар билан безаш ҳар бир маърифатли инсон учун одатга айланган. Кейинчалик Куръон ва ҳадис илмларидан фойдаланиш нафақат шаръий илмларда, балки бадиий адабиётда ҳам кенг қўлланила бошлади. Иқтиbos айрим ажам олимлари томонидан “Куръон оятлари ё ҳадисдан қисман ё тўлалигича ҳеч қандай ўзгаришсиз, айнан келтириш....” дея талқин қилинади [2, 25; 5, 142]. Навоийнинг мазкур асарида 64 оятдан фойдаланилган. Навоий ва Рабғузийнинг мазкур асарларида Куръон оятларига тез-тез мурожаат этилиб, улардан унумли фойдаланилган. Ҳар икки асарда иқтиbosнинг тўлиқ туридан фойдаланиб, туркий фикрнинг далили сифатида қўлланган ҳолатлари кузатилади. Масалан, Каҳф сурасининг сабрлилик сифатига доир 67-оятни Мусо (а.с.) хақидаги қиссада Навоий икки марта қўллайди: “Мусо (а.с.) таажжуб қилиб, сабабин сўрди, Хизр (а.с.) айттиkim, “إِنَّكَ لَنْ شَسْطَعِيْ مَعِيْ صَبْرًا” (Яъни, мен билан юришга сабринг чадамайди, деб айтмаган эдимми?)” ва “Мусо (а.с.) ни ҳайрат беихтиёр қилиб, яна ул иш кайфиятидин савол қилди.“Хизр (а.с.) айттиkim, “إِنَّكَ لَنْ شَسْطَعِيْ مَعِيْ صَبْرًا” тарзида келтирса, Рабғузий: “Мен сенинг бирла турайинг, илм ўгранайин тею келдим. Хизр айди: Сен менинг бирла сабр қилмағайсан: “فَلَمَّا أَنْتَ لَنْ شَسْطَعِيْ مَعِيْ صَبْرًا”(Сен мен билан бирга бўлишга сабр қила олмассан, деди [3, 301]) тарзида келтирилади. Навоий мазкур оятни туркий жумла таркибида оят маъносига ишора сифатида “кўчирма гап” тарзида қўллаган бўлса, Рабғузий туркий жумланинг бевосита тасдиғи сифатида қўллаган.

Шунингдек, асарларда оятлар қисман иқтиbos қилиниб, туркий фикрнинг далили сифатида келтирилган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, Анбиё сурасининг Юнус (а.с.) га оид 87-оятидан Навоий қуйидагича иқтиbos келтиради: “Ва Юнус кирқ кун балиғ ичинда эрди ва бу тасбихни вирд қилиб (келтириб) эрдиким, “لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ”. (Яъни: Сендан ўзга илоҳ йўқ, сен поксан ва мен албатта золимлардан бўлдим. [3, 329]). Рабғузийда эса мазкур оят қисмлари Юнус (а.с.) қиссасида б ҳолатда учрайди. Юнус (а.с.) қиссанинг аввалида бароат-и истихмол

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

сintактик воситаси орқали қўлланган наът қисмида Анбиё сурасининг 87-оятидан: “إِذْ ذَهَبَ مُعَاضِبًا (...у ғазабланган ҳолда чиқиб кетган эди [3, 329]) иътиби (повреждение) бирла мубтало бўлған (Зулматларда туриб ..... нидо қилди [3, 329]) хильятин кийган, لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ ( Сендан ўзга илоҳ йўқ, сен поксан [3, 329]) тасбиҳин айған тарзида қисман олиниб маънога ишора ҳолатида иқтиbos қилинган. Шунингдек, Рабғузий Юнус қиссасида иқтиbos қилган мазкур оят аввал далил сифатида келтириб, сўнг туркий маъносини берган ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, “مَوْلَىٰ تَأْوِلُكَ فَنَادَىٰ فِي الظُّلُمَاتِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ” (Зулматларда туриб, “Сендан ўзга илоҳ йўқ, Сен поксан ва албатта мен золимлардан бўлдим”, деб нидо қилди. [3, 329]) Маъноси ул бўлур: Юнус баланд ун бирла бизни ёд қилди, Изиё сендан ўзга тангри йўқ, ариғлиқ санга турур ман ўзумга зулм қилдим, золимлардан бўлдим, теди.[4, 222]” Навоий юқоридаги оятдан қисман келтириб, унга далил қилган бўлса, Рабғузийда оятга ишора ва тасдиқ сифатида келтирилган оятнинг туркий изоҳи келтирилади. Навоийнинг оятлардан келтирган иқтибоси “шაънида нозил бўлубдур”, “мақсад мундин бўлғай”, “андин мухбир бўлғай” каби туркий иборалар билан ўз тасдиғини топган. Масалан, Сабаъ сураси 12-оят қуидагича иқтиbos қилинади: “Va машҳурдирким сабоҳ Шомдин азимат қилиб, чошни Истаҳрда ер эрди. Андин азимат қилиб Шом таомин Қобулда ихтиёр қилур эрдиким (Яъни: وَلِسْلَيْمَانَ الرَّيْحَ غُدُوْهَا شَهْرُ وَرَوَاحُهَا شَهْرُ ”) Ва Сулаймонга шамолни (бердик), унинг эрталаб кетиши бир ойлик, кечқурун қайтиши бир ойлик йўл эди. [3, 429]) аниng шаънида нозил бўлубдур. Сод сурасининг дунё ҳавасига берилган Сулаймоннинг пушаймони ҳақидаги 34-оятни Навоий: “Тангри таоло аниng ўз ўғлини сойир атфолдин мумтоз қилиб, писандида тушмай Азройилға амр бўлдиким, руҳин қабз қилиб, жасадин, Сулаймон (а.с.)нинг тахти устида ташладиларким (ولَقَيْنَا عَلَىٰ كُرْسِيِّهِ جَسَدًا ...Унинг курсисига жасадни ташладик [3, 329] )”мақсад мундин бўлғай”, тарзида далиллайди. Рабғузий асарида эса мазкур оятлар Сулаймон (а.с.) қиссанинг наът қисмида “غُدُوْهَا شَهْرُ ” қиссасифатли марказ берилган”каби оятга ишора тарзида келтирилган. Шунингдек, Рабғузий оятларни туркий маъносини келтириб, арабий “Қавлуху таоло” (Аллоҳнинг каломи) ибораси билан тасдиқлайди. Масалан: “..ел келиб, ул тахтни мунча халойиқ бирла кўтлуб, элтур эрди, кунда бир айлиқ ерга элтиб, яна келтуур эрди. Қавлуху таоло: غُدُوْهَا شَهْرُ ”

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

شہر (...ونىنگ ىرتالاب كەتىشى بىر ئۆلىك، كەچكۈرن ۋاتىشى بىر ئۆلىك يۈل ئەدى [3، 429].)

Алишер Навоий ва Носуриддин Бурхониддин Рабғузий ўз аസارلарида мазкур оятلارни кەلتىرىش орқали پайғамбарларнинг иймонى، сабри ва юксак фазилاتلارини алоҳида тасвирلайдilar. Оятلارни кەراكلى нүкталарда ўزига хос услубدا моҳирона иқтиbos қилиنىши ҳар икки алломанинг азалий қадриятимиз Куръон илмларини ниҳоятда чукур эгаллаганلىklarini намойиш этади ва бу соҳадаги билиmlarни баён этиш билан، ўтган буюк сиймолар ҳақида Куръони Карим оятларидан далил ва тасдиқ орқали ҳикоя қилиش ёшلарни комил инсон бўлиб етишишига, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлишга даъват этади.

## **REFERENCES**

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000.
2. Давлатов О. А. Навоий шеъриятида Куръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. Филол. фан. ном. ... дисс. – Самарқанд, 2017.
3. Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Куръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. – Т.: Шарқ, 2011.
4. Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi. Kisasül – enbiya. II cilt. – Ankara, 1997.
5. Рустамий С. Балоғат илмида лингвистик назариялар ва тил ҳодисаларининг ёритилиши. – Т.: Наврӯз, 2017.
6. Сайдумаров М.Ф. Ҳаририй мақомалари ўрта аср араб сажъи ёдгорлиги сифатида. Филол.ф.н.... дисс. – Тошкент, 1995. –Б.120-127.
7. Кароматов Х.С. Ўзбек адабиётида Куръон мавзулари (адабий-тарихий таҳлил). Филол.ф.н.... дисс. – Тошкент, 1993. – Б.3-15.
8. Dilfuza SAGDULLAEVA (2022). Rabg'uziy ijodida iqtibos san'ati. «IMOM BUXORIY SABOQLARI», - Samarqand, 2022, №3.
9. Mo‘tabarxon Madaeva (2022). ALISHER NAVOIY IJODIDA AYOL OBRAZI. Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”. Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.